

ЎҚУВ ФАОЛИЯТИДА ТАЛАБА ҚИЗЛАРДАГИ МАСЪУЛИЯТ МУАММОСИ**Дарибайев Атабай Бахит ўғли**

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети Педагогик психология кафедраси

Амалий психология йўналиши 2-босқич талабаси,

Илмий раҳбар: **Сагиндикова Наргиза Жубаткановна**

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети Педагогик ва психология кафедраси

ўқитувчиси. Психология фанлари доктори (ДСс), доцент

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15861719>

Аннотация. Ушбу мақолада гендер психологияси. Талабалар ўқув фаолиятида гендер хусусиятларининг аҳамияти ҳақида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: гендер, гендер тарихи, талабалик даври психологияси, ўқув фаолияти, гендер муносабатлари;

Аннотация. В данной статье рассматриваются психологические особенности гендера. Гендерные особенности влияние на процесс учебном деятельности в студентов.

Ключевое слово: гендер, история гендер, психология студенческого периода, учебное деятельность, гендерное отношение;

Abstract. The article reveals gender psychological peculiarities. Gender psychological peculiarity in the process of student's study.

Key words: gender, history of gender, psychology of period student's, activity of study, gender peculiarity.

Бугунги кунда ҳар бир соҳада бўлгани каби психология йўналишида ҳам бир қанча тадқиқотлар илмий янгиликлар ўрганилмоқда. Шу жумладан Ўзбекистонда ҳам ижтимоий соҳа ва психологияда гендер тушунчаси ва гендер муносабатлари бўйича кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

"Гендер" атамаси З. Фрейд номи билан боғлиқ "Фрейд даври" XX аср боши - 1930 йилларига тўғри келади ва йирик экспериментал тадқиқотларнинг бошланиши ва илк назарияларнинг пайдо бўлиши 1950-1980 йилларни ўз ичига олади, шуни таъкидлаш керакки махсус гендер методикаларининг яратилиши 1990 йилдан шу давргача давом этиб келмоқда[6; 31].

Немис файласуфи И. Кант¹ ўз илмий ишларида эркак ва аёлларни, сиёсий ҳаётда қатнашишига, шахсий хусусиятлари ва хулқига қараб ажратади. Эркакларга фаол фуқаролик (сиёсий масалалардаги иштироки, мустақил фикрга эгалиги), аёлларга эса пассивлик (бошқарув объекти бўлиш) хосдир.

Шарқ алломалари - Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Захриддин Мухаммад Бобур, Абдулла Авлонийлар ҳам ўз асарларида оналарга катта ҳурмат кўрсатиш ва уларни асраб авайлаш, эркаклар билан аёллар ўртасидаги ўзаро муносабатларда бир-бирига ҳурмат бўлиши кераклиги ҳақида баён этганлар. Улар ўз асарларида муқаррам зотлар бўлмиш оналарни кадрлаш авлодлар, фарзандлар зиммасидаги энг улуғ бурч эканлигини таъкидлаганлар. Оилада вояга етаётган ўғил ва қиз бола тарбиясидаги ота-онанинг роли ва улар бу борада эътиборга олишлари лозим бўлган ўзига хос муҳим жихатларини ўз карашларида ифода этганлар.

¹ Абдусатторова. О.А. Оила муҳитида усмирларда шаклланадиган жинсий идентификациянинг гендер хусусиятлари. Дисс..психол. ф. н. Т.: 2007. 21 б.

Россия психологлари томонидан гендер изланишлар XIX аср охири XX аср бошиларида амалга оширилган[5; 9].

Мишель Палудининг фикрича, бугунги кунда гендер психологияси соҳасида асосан андроцентрик қарашлар устувордир. Яъни, иккала жинс вакилида ҳам бир-биридан томонан фарқ қилмайдиган, иккаласида ҳам кузатиш мумкин бўлган психологик хусусиятлар кузатилмоқдаки, бу уларнинг энг аввало оила ва никоҳ масалаларидаги қарашлар бирлигидан келиб чиқади[6;14].

Дунё миқёсида ахлоқ, муваффақиятларга интилиш мотивацияси кабилар ўрганилганда, асосан эркаклар ва ўғил болалар мисолидагина ўрганилади. Бугунги кунда бизда ўтказилаётган психологик ҳамда социологик тадқиқотларда иккала жинс вакиллари тенг, ёки аксарият оила тадқиқотларида қизлар ва катта ёшли аёллар қатнашадилар.

Америкалик тадқиқотчи Дэвид Майерс² жинс, генлар ва маданият масалаларини ўрганган бўлиб, гендерни – эркаклик ва аёллик хусусиятларини тавсифловчи тушунча сифатида қўллайди [7; 512]. Жинсий тафовутларни Палудидан фарқли равишда, ўрганиш натижасида хотин-қизларнинг эркакларга нисбатан анчагина масалаларда устунликка эга эканлигини алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрича, аёллардаги тажовузкорлик, агрессиянинг камлиги, ўзгаларга ғамхўрлик ва ўзгалар ташвишларига нисбатан бефарқ бўлолмаслик, ҳамдардликлари айнан уларнинг жамиятда тутган мавқеларини белгилайди.

Лекин, эркаклар ва аёллар ўртасидаги биологик фарқлардан ташқари ўз табиатига кўра биологик бўлмаган сабабларга асосланувчи кўплаб фарқлар бор. Яъни, ижтимоий роллар, фаолият шакллариининг бўлиниши, хатти-ҳаракат ва индивидларнинг психологик характеристикаларида фарқлар мавжуд.

Ўзбек психологлари М.Давлетшин, Э.Ғозиев, Ғ.Шоумаров, В.Каримова, З.Нишонова, Ж.Зайнобиддинов, Ғ.Акрамова, М.Салаева, О.Абдисатторова, Р.Хикматуллаева ва бошқа олимлар бу борада кўплаб илмий изланишлар олиб борганлар. Масалан, шахснинг оила муҳитида шаклланиши, ижтимоийлашув жараёни, жинсий идентификация, гендер хусусиятлар ва бошқа муаммолар буйича тадқиқотлар олиб борилган [3; 5].

Талабалар жамиятимизда етарли даражада салмоқли ўрнига эга.

Ҳар бир инсон ҳаётида гендер хусусиятларининг таъсири бўлгани каби, келажагимиз бўлган талабалар ўқув фаолиятида эса, гендер хусусиятиниинг муҳим аҳамиятини айтиб ўтиш зарур. Чунки гендер тенглик ўқув фаолиятида муваффақиятга эришишда муҳим аҳамият касб этади. Талабалар орасида жинсларнинг ажратилиши, ёки бир-бирини камситилиши ҳолатлари борки, бу ўқув фаолиятидаги асосий мақсадга ҳалақит беради ва ўқув жараёнига ва самаралигига ўз салбий таъсирини кўрсатади.

Талабалик даврининг психологик хусусиятлари: ҳаётдаги мураккаб ўзаро муносабатларда акс этувчи бурч, виждон ҳиссини англаш, ўзини ва бошқаларни қадр-қимматини эъозлаш ва фахмлашга кўпроқ мойиллиги, ҳаётда ўз ўрнини топишга интилиш.

Биз талабалар ўқув фаолиятида улардаги гендер хусусиятларнинг бошқа сифатларини намоён этишига таъсирини ўрганишга ҳаракат қилдик. Ўқув гуруҳи кичик гуруҳнинг энг муҳим турларидан бири сифатида мураккаб социал муносабат, шахслараро муносабат ва фаолиятни ўзида намоён этади. Таълим жараёнининг бош мақсадидан бири талабаниннг ҳам шахсий, ҳам касбий камолотини уйғунлаштирган ҳолда жамият

²Майерс Д. Социальная психология. Интенсивный курс. – СПб.: прайм-ЕВРОЗНАК, 2002. – 512 с.

хаётининг маълум соҳаларида фаолият олиб боришга тайёрлашдан иборатдир. Бу эса талабадан ўқув фаолиятига масъулиятни характерловчи умумий жиҳатлар билан бир қаторда социал масъулиятнинг таъсири мавжуд бўлиши табиийдир. Ушбу ҳолатни инobatга олган ҳолда талабаларнинг масъулиятлилик кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида И.А.Кочарияннинг “Масъулиятнинг шахслилик симптокомплексларини диагностик сўровномаси” дан фойдаландик. Методикада, принципиаллик, ўз шахсини намоён қилиш, меъёрга мувофиқлик, ахлоқийлик, ўзини ўзи қурбон қилиш сингари бешта шкаладан иборат.

Ушбу методика натижалари таҳлилини “Масъулиятлилик” сўровномаси натижалари билан ўзаро корреляцион алоқадорликда амалга оширишилди. Тажриба натижалари устида қуйида гендер ролларига кўра таҳлил этиши кўрсатилади.

Талабаларнинг масъулият кўрсаткичлари методикалари ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар (талаба қизларнинг натижалари)

	Принципиаллик	Ўз шахсини намоён қилиш	Меъёрга мувофиқлик	Ахлоқийлик	Ўзини қурбон қилиш
Эрглик	-0,221*	0,050	-0,016	-0,08	0,088
Аэрглик	-0,066	0,06	0,025	0,108	0,042
Социоцентриқ	-0,024	0,248*	-0,108	-0,078	0,081
Эгоцентриқ	-0,118	0,074	0,021	-0,061	-0,029
Бамаънилик, тушунганлик	-0,232*	0,176	-0,021	-0,067	0,176
Билимдонлик, хабардорлик	0,197	-0,066	-0,029	-0,144	0,025
Предметли натижалилик	-0,113	0,069	-0,058	0,207*	0,093
Субъектив натижалилик	-0,160	0,135	-0,08	-0,105	0,099
Стениқ	-0,111	0,050	-0,088	0,032	0,020
Астениқ	0,06	-0,192	-0,042	-0,029	-0,102
Интерналлик	-0,04	0,045	0,010	0,017	0,211*
Экстерналлик	-0,020	-0,012	-0,055	-0,042	-0,164

** $p \leq 0,01$; * $p \leq 0,05$

Талабалар масъулиятининг ўқув фаолиятида намоён бўлишини характерловчи омилларни ўрнини белгилаш бўйича олиб борилган изланиш натижаларини гендер роллар бўйича таҳлиliga ўтамиз.

Ўз навбатида талаба қизларда ўзига хос бўлган муносабатларни акс эттирувчи учта аҳамиятли коэффициент аниқланди:

Талаба қизлардаги мотивацион компонентнинг социоцентриқ параметри “ўз шахсини намоён қилиш” шкаласи билан аҳамиятли корреляцион боғлиқликни акс эттирди. Бу ҳолат талаба қизларнинг масъулиятли топшириқларни бажаришга нисбатан интилиши гуруҳ аъзолари, жамият ичида ва атрофдагилар билан ўзаро ҳамкорликда ишлашида, ўз манфаатларидан кўра жамоат манфаатини устувор билиши “ўзини ўзи намоён этувчи” шахс типига хос хусусиятларни намоён этишларига хизмат қилар экан. Шу ҳолатга кўра муҳим воқеалар ўз фаолиятининг яққол натижаси, атрофдагилар билан

низога боришдан қочишга интилиши, ташаббус кўрсатишни кўп хоҳламасликлари, аммо атрофдагилар билан бирга бўлиш ва уларнинг эътирофига сазовор бўлишга интилишида кузатилади.

Талаба қизларнинг қолган иккита аҳамиятлилиқ кўрсаткичи умумий натижаларидаги сингари кўриниш олди.

Навбатдаги аҳамиятлилиқ кўрсаткичи хабардорлик билан “меъёрдаги шахс” тавсифи билан ўзаро боғланиш ҳосил қилган. Бу эса талабаларнинг масъулиятни умумий ҳолда тушунишларидаги ўсиш оқибатида уларда “меъёрдаги шахсни” шаклланишига олиб келар экан ($r=0,214$, $p\leq 0,05$). Оқибатда эса бу тоифа талабалар ўқув фаолиятидаги мураккаб ва масъулиятли вазифаларни бажаришда ўзларида тушкун кайфиятни, азобланиш, қолипга солинган анъаналарга содиқ ҳолда иш кўришларига олиб келади.

Иккинчи аҳамиятли кўрсаткич предметли натижалилик билан ахлоқийлик ўртасида кузатилди ($r=0,207$, $p\leq 0,05$). Бу эса талаба қизларда жамоа олдидаги масъулиятли вазифаларни бажаришда онглилик, виждонан ёндашувнинг ўсиши орқали ахлоқий меъёрларга содиқ шахсни камол топтиришга эришишдан далолат беради. Натижада эса талаба ўзига юклатилган таълим жараёнидаги вазифаларни масъулият ва ҳозиржавоблик билан бажаради. Ўз манфаатларини қурбон қилиб бўлса ҳам юклатилган вазифани бажаришга киришишидан далолат беради. Унинг фаолияти ахлоқ-одоб қоидаларга мос келувчи ўз хоҳиш-истаклари билан назорат қилинади.

Бу ҳолат талабаларнинг ўз фаолиятида ижобий натижаларга эришишида ўзларининг шахсий имкониятларини анчагина самарали намоён этишга хайрихоҳ бўлишлари, соғлом турмуш тарзи ва фикрга эгаликлари, бошқаларнинг фаолият натижалари учун ҳам хизмат қилишлари мумкинлигини ифодалай олганлар.

Бу эса талабалар ўқув фаолияти интерналлик позициясини ривожлантириш орқали ўзининг шахсий хатти-ҳаракатлари ва турмуши учун масъул билишини, мураккаб қарорлар қабул қилишга тайёрлигини ва бошқаларга ғамхўрлик қилишга тайёрлигини характерлайди. Бундан кўринадики, ўқув жараёнидаги умумий масъулликни намоён бўлиши шахснинг социал масъулиятини ва шахс типлашувини келтириб чиқарар экан. Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, талабалик даврининг 3-4 курсларида ёшлар ўзида шахснинг энг муҳим фазилатларини, ўқув ва малакаларини онгли, режали, тартибли, изчил ва мунтазам равишда эгаллаб боришга эҳтиёж сезади. Шунинг учун улар ўзларини яхши фазилатларини ва хислатларини ҳосил қилишга ҳаракат қилади. Бу даврда айниқса битирувчи курсга келганда йигит ва қизлар бир-бирининг муваффақиятлари учун қувониб, бир-бирларидаги у йигитми, қизми, эътибор бермастан қобилиятларини тан олишади ва ҳаётда ҳақиқий ўртоқ бўлиб қолишади.

Гендер муносабатлари муаммоси бўйича ҳамма мамлакатлардаги каби бизнинг мамлакатимизда ҳам илмий муаммо сифатида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Келажакда ҳаётида маълум бир касб эгаси бўлиб етишадиган талабалар ўқув фаолиятида ҳам тарбиясида ҳам бу муаммога яъни талабалик давридаги йигит қизларнинг психологик хусусиятлари ўқув фаолиятидаги гендер муносабатларининг таълим самарадорлигига таъсири масалаларига катта эътибор қаратиш зарур.

REFERENCES

1. Абдусаттарова О. Оила мухитида ўсмирларда шаклланадиган жинсий идентификациянинг гендер хусусиятлари. Автореферат. Дисс...психол.ф.д. Т.: 2007., - 5б.
2. Бендас Т.В. Гендерная психология. Учебное пособие - СПб.: Питер, 2001.- С. 9-11.
3. Введение в теорию и практику гендерных отношений. Сборник научных статей. Тошкент., 2007.
4. Гендер тадқиқотлари асослари хрестоматияси - Тошкент., 2003. 8-9 б.
5. Здравомыслова Е.А., Темкина А.А. Социальное конструирование гендера// Возможности использования качественной методологии в гендерных исследованиях-М.: МЦГИ, 2001.С.31
6. Мишель Палуди. Психология женщин. – СПб.: Прайм - ЕВРОЗНАК, 2003. – С. 14.
7. Майерс Д. Социальная психология. Интенсивный курс. – СПб.: прайм-ЕВРОЗНАК, 2002. – 512 с
8. <http://dspace.univer.kharkov.ua/handle/> 2011.№ 807